

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



# 0'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

№22

2024-yil

29-may, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqsa boshlagan

## МУСТАЖКАМ ДЎСТЛИК



Жорий ҳафта юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир муҳим ва қизғин воқелик билан бошланди. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг 26-28 май кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи аносисида дунё жамоатчилиги нигоҳи яна мамлакатимиз томон қадалди. Олий мартабали меҳмоннинг Россия Федерацияси Президенти лавозимига қайта сайланганидан кейинги илк хорижий ташрифларидан бирини юртимизга амалга оширгани алоҳида диққатга моликдир.

2

## МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ: ҚАНДАЙ ЯНГИЛИKLAR БОР?

Хозир дунёдаги жадал иқтисодий интеграциялашув жараёнида миграция масаласи тобора долзарблик касб этмоқда. Ҳаттоқи, қонуний меҳнат миграцияси жаҳон иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмига айлануб ҳам улгурди. БМТнинг Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда халқаро мигрантлар сони 292 миллиондан зиёд бўлиб, уларнинг 90 фоиздан ортиғи меҳнат муҳожирлари саналади.

Мутахассисларнинг айтишича, миграция муайян вақтда кучайиб-пасайиш тенденциясига эга ва маълум ҳудуд, мамлакат, минтақа ижтимоий ҳаётига ҳам ижобий, ҳам салбий, керак бўлса, сиёсий таъсирини ўтказади. Шу боисдан миграцияни ҳуқуқий тартибга солиш, уни бошқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ҳаётий заруратdir.

✓ Таълим



АВВАЛ ТЕСТ,  
СЎНГ ТАНЛОВ  
БУ ТАМОЙИЛ ҚАНДАЙ  
ИШЛАЙДИ?

4

Олий таълимга навбатдаги ўқув йили учун ҳужжат топшириш фурсати тобора яқинлашмоқда.

✓ Ижтимоий ҳимоя

## «ИНСОН» УЧУН 100 МЛН ДОЛЛАР

Жаҳон банки Ўзбекистонга "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоийлашувини таъминлаш учун инновацион ижтимоий ҳимоя тизими" (ИНСОН) лойиҳасини амалга ошириш учун 100 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредитни тасдиқлади.

✓ 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



5

8

## ОПРОК ОЛАМ МУСАВВИРЛАРИ

Шу кунларда расмий Интернет нашрларида жадал тараққий этган қунчиқар юртда кетма-кет саккиз йилдирки, туғилиш кўрсаткичи сезиларли пасайиб кетаётгани ва у ер юзидағи энг тез қарип бораётган мамлакат экани ҳақидаги хабар "айланиб юрибди".

7

✓ Маҳаллий кенгашларда



## ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ҲАЛИ ҲАМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДАМИ?

БУГУН ДЕПУТАТЛАРНИНГ  
ВАКОЛАТЛАРИ  
КЕНТАЙТИРИЛИB,  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ  
ШАКЛАНТИРИШДАГИ  
ИШТИРОКИ СЕЗИЛАРЛИ  
ДАРАЖАДА ЎЗГАРЯПТИ.

3

## МАҚСАДИМИЗ БИР...

БУ ИМКОНИЯТЛАР  
НАТИЖАСИДА ЎТГАН  
4 ОЙДА 30,5 МИЛЛИОН  
ДОЛЛАРЛИК ИККИТА  
ЛОЙИХА ИШГА ТУШИРИЛИB,  
160 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛГАН.  
1,5 ТРИЛЛИОН СҮМЛИК  
МАҲСУЛОТ ИШЛАB  
ЧИҚАРИЛИB, 51 МИЛЛИОН  
ДОЛЛАРЛИК ЭКСПОРТ  
ҚИЛИЛГАН.

6

7

# МУСТАХКАМ ДЎСТЛИК

Жорий ҳафта юртимиз ижтимоий сиёсий ҳаётида яна бир мұхим ва қызғын воқелик билан бошланди. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг 26-28 май кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи асосида дүнә жамоатчилиги нигоҳи яна мамлакатимиз томон қадалди.

Олий мартараби мөхоннинг Россия Федерацияси Президенти лавозимига қайта сайланганидан кейнинг илк хорижий ташрифларидан бирини юртимизга амалга оширгани алоҳида диккатга молидир. Зеро, бу ташриф вақт синовидан ўтган мустахкам дўстлик асосидаги ўзаро алоқаларни иззил ва самарали давлат этиришида мұхим ўрин тутади.

— Россия Президентининг давлат ташрифи — бу, ҳеч мұбалағасиз, кўп қиррал ҳамкорлигимизнинг янги даврини берувчи тарихи воқеайдир, — деди давлатимиз раҳбари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар якунлари бўйича ОАВ вакиллари учун ташкил килинган брифингда.

## КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Бугун барча жаҳада жадаллашган глобаллашув жараёнидан ҳеч бир давлат четда қолмагани каби савдо-иктисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар ривожланишда узок-яқин мамлакатлар билан фаол муносабатларга кириши тараққиётнинг негизи ҳисобланади. Шубҳа йўқки, Ўзбекистоннинг ташки сиёсатда ишончлари ва стратегик ҳамкорлари орасида Россия етакчилар сафиди туради. Бу бежиз эмас. Бинобарин, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлиш ҳажми кейинги йилларда қарийб иккى ярим бараварга ошиди. Россия юртимиз учун энг катта экспорт бозори бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон билан фаол савдо алоқаларига ега бўлган ўнта мамлакат орасида мазкур давлат 2,1 млрд. долларлик улуш билан олдинг ўринлардан бирини эгаллаган. Ўз навбатида юртимизда шубу давлат капитали иштирокидаги кўшма корхоналар сони ҳам йил сайн ўсиб, уч мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда иккى давлат ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва чукурлаштириш масалалари кўриб чиқиди.

Таъкидланди, ташрифи тайёргарлик доирасида парламент аъзоларининг учрашувлари, сиёсий маслаҳатлашувлар кутилганидек самарали ўтди. Апрель ойида Тошкентда "Иннопром" ҳалқаро кўргазмасида юзлаб янги кооперация лойиҳалар бўйича келишувларга эришилди. Май ойида эса Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари раҳбарлари Россиядаги ҳамкор ҳудудларда бўлдилар. Йирик мұхандислик-техник университетлар ректорлари ва нуфузли тибиёт мұассасалари раҳбарларининг конференциялари ҳам ююри савида ўтказилди. Тошкентда Рус санъати ҳафталиги тадбирлари кенг жамоатчилини камраб олди.

Ҳар доимитек анваннан очик, конструктив ва дўстона мухитда ўтган музокаралар натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Етакчилар иккى томонлами кун тартибининг барча долзарлар масалаларини атрофика мұхоммада қилиб, делегация аъзоларининг асосий ўналишлар бўйича ҳисоботларини тингладилар, ҳалқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Савдо-иктисодий соҳада амалий ҳамкорлик кучайтиришга алоҳида ётибор қаратилди. Томонлар товар айирбошлиш ҳажмини янада ошириш зарурлиги борасида якдил фикрга келдилар. Келгусида бу ўналишда 30 миллиард долларлик кўрсаткичга эришиш вазифаси кўйилди.

## МИГРАЦИЯДАН ТОРТИБ ТАЪЛИМ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШГАЧА

Россия Президентининг бу галги ташрифи доирасида 20 миллиард долларлик янги лойиҳалар бўйича келишувлар имзоланганни яна бир ётироға лойиқ жиҳатдир.

Президентимиз кооперацияни илгари суриш учун кўшма Инвестиция платформаси ташкил этилиши ҳақида ўлон қилди.

Давлат раҳбарлари энергетика соҳасидаги стратегик ҳамкорликни



кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Музокаралар давомида газ, нефть ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини ошириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва маҳаллий корхоналар негизида углеводородларни чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш масалалари мұхоммада қилинди.

Мамлакатимизда кам қувватли атом электр станцияси курилиши бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисида битим имзоланди.

— Дунёдаги деярли барча етакчи давлатлар ўз энергетик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини атом энергетикаси ҳисобига таъминламоқда. Агар биз Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичига чиқиши истиқболлари ҳақида ўйласак, катта миқдордаги уран заҳираларига эга ва уни учинчи давлатларга экспорт қилаётган мамлакатимиз учун бу лойиҳа ҳаётӣ аҳамиятга эга, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва логистика, рақамлаштириш ва сунъий интеллект соҳаларидан кооперацияни чукурлаштириши бўйича аник режалар белгиланди.

Президентлар таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш аҳамиятига ургу бердилар. Иккى мамлакат етакчи университетлари ва тибиётт мұассасалари ўртасида доимий мулоқот ва самарали шериклини кўллаб-кувватладилар.

Мұхандислик кадрларини тайёрлаш бўйича кўшма ишлар бошланди. Бу мақсадда ташкил этилаётган Тошкентдаги Николай Бауман номидаги Москва давлат техника университети филиали мамлакатимизда фаолият юритаётган етакчи Россия университётларининг ўн бешинчиси бўлади.

Миграция соҳасидаги ҳамкорлик масалалари музокараларини алоҳида мавзузи бўлди. Бу соҳада ўзаро ҳамкорликнинг самарали меҳанизмлари бўйича келишувга эришилди.

Ташкил сиёсий идоралар ўртасида мунтазам маслаҳатлашувларни давом эттириш, минақавий ва ҳалқаро тузилмалар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида мулқотни чукурлаштириш мұхоммидига тасдиқланди.

Анъанавий ва янги таҳдид ва хатарларга, биринчи навбатда, терроризм, экстремизм, ушонган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши курашиб бўйича ваколатли органлар ва махсус хизматлар ўртасида якн ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон ва Россиянинг диккат марказида қолади.

Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давомидаги сермазмун учрашувлар ва самарали натижалар иккى томонлами дўстлик, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустахкамлаштириш ижобий тенденцияларни ююри баҳолаб, Россия ва Ўзбекистон ҳудудлари ўртасидаги мавжуд ишбилармонлик алоқаларини мустахкамлашнинг мұхоммад аҳамиятини таъкидлайди. Ишбилармон доира вакилларини кўшма лойиҳалар ва ташабbusларни амалга оширишда фаол иштирок этишга чакириди.

Умуман, кенгаш доирасида савдо-иктисодий, илмий-техник ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳудудларро ҳамкорлик хуҷжатлари ва битимлар тўплами имзоланди.

— Бундай ҳамкорлик ююри самарадорлик билан ажralib туради, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги узоқ мұддатты шериклини кенгайтиришга хизмат қиласи, — деди Президентимиз.

Олий даражадаги музокаралар самарали натижалар билан якунланган, иккى давлат ва ҳалқлар манфаатлари йўлида кенг қамровли шериклини кенгайтириш ва мустахкамлашга бўлган умумий интилиши кўрсатгани мамнуният билан кайд этилди.

Бугунги кунда ҳудудлар даражасида 4 миллиард долларлик 200 дан ортик кўшма лойиҳа амалга оширилмоқда. Кенгаш мажлиси доирасида 5 миллиард долларлик янги шартномалар тўплами тайёрланган.

Россия билан ўзаро савдо алоқаларида асосий ҳамкорлар каторида Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Татаристон, Москва, Ленинград, Новосибирск, Астрахань, Иваново, Челябинск вилоятлари, Красноярск, Пермь ўлкалари, Башкортостон ва бошқалар бор.

Энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, қишлоқ ҳўжалиги, логистика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва башка тармоқларда ҳамкорликда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятида татаристонлик инвесторлар билан бирга ишга туширилган "Химград" саноат зонаси кенгайтирилмоқда, Жиззах вилоятида унинг филиали барпо килинмоқда.

Россия ҳудудларининг етакчи корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суриш учун янги кўшма саноат зоналарини ташкил этиш режалари кўллаб-кувватланди.

Кишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналиш сифатига қўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон ҳудудларида агрологистика марказлари таромогини кенгайтириш ишларини давом эттириш мұхоммидига таъкидланди.

Ҳудудларга Россиянда улгуржи-тақсимлаш марказларини ривожлантириш ва қишлоқ ҳўжалиги экинларини биргаликда етишириб, кейинчалик юртимизга етказиб бериш бўйича топшириклар берилди.

Шунингдек, маданий ҳамкорлик бўйича уч йиллик дастур қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти туризм алмашинуви кенгайтириш мұхоммидиги айтib ўтилди. Сунгги бир неча йилда россиянг турристлар сони 5 барборага ошгани, Ўзбекистон ва Россиянинг барча йирик шаҳарлари мунтазам авиақатновлар билан боғлангани айни муддаодир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Россиянинг тарихий шаҳарларига турристик йўналишлар ва саёҳатларни ривожлантириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш мұхоммад аҳамиятини таъкидлайди. Ишбилармон доира вакилларини кўшма лойиҳалар ва ташабbusларни амалга оширишда фаол иштирок этишга чакириди.

Уз навбатида, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин мамлакатимиз билан кўнгираларни муносабатларини янада мустахкамлаштириш ижобий тенденцияларни ююри баҳолаб, Россия ва Ўзбекистон ҳудудлари ўртасидаги мавжуд ишбилармонлик алоқаларини мустахкамлашнинг мұхоммад аҳамиятини таъкидлайди. Ишбилармон доира вакилларини кўшма лойиҳалар ва ташабbusларни амалга оширишда фаол иштирок этишга чакириди.

Умуман, кенгаш доирасида савдо-иктисодий, илмий-техник ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик хуҷжатлари ва битимлар тўплами имзоланди.

Хамкорликни ташкил этишга чакириди.

Умуман, кенгаш доирасида савдо-иктисодий, илмий-техник ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик хуҷжатлари ва битимлар тўплами имзоланди.

Фарида МАҲКАМОВА.

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛANIШ ЧЎҚҚИСИГА ЧИҚДИ

Дилбар МАМАДЖАНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар барқарор, дўстона тарзда ривожланмоқда. Айниқса, иккى давлат раҳбарларининг сиёсий иордада билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, ҳалқаримизнинг дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари янада мустахкамланади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик кеңроғчилик муносабатларида янги босқични бошлаб берди.

Ташриф чоғигда иккى давлат ўртасида энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, миграция ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофлича мұхоммада килинди. Шу билан бирга, савдо-иктисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, озиқ-овқат ҳавфсизлиги, ракамли технологиялар каби қатор мұхим йўналишлар ҳам кўриб чиқилди.

Кайд этиш жоиз, бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларни кимё ва бошқа соҳаларда келишувларга мувоғиқ эркин савдо режимида амалга оширилмоқда. Айни пайтда савдо кўрсаткичларининг ўсиши ююри кўшилган қўматимат маҳсулотларни ўзаро етказиб берди. 2023 йилда товар айирбошлар ҳамкорликни ўсирилмоқда. Айни пайтда савдо кўрсаткичларининг ўсиши ююри кўшилган қўматимат маҳсулотларни ўзаро етказиб берди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги кенгайтириш савдо-иктисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни келишувларга мувоғиқ эркин савдо шериги бўлди. 2023 йилда ташкил этиш жоиз, бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўр

# ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ

## ҲАЛИ ҲАМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДАМИ?

БУГУН ДЕПУТАТЛарНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ  
КЕНГАЙТИРИЛИБ, ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ  
ШАКЛАНТИРИШДАГИ ИШТИРОКИ  
СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ЎЗГАРЯПТИ.  
ТАБИЙКИ, ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ БЎЙИЧА  
ҲАМ САМАРАЛИ ИШЛАР ЙЎЛГА КЎЙИЛГАН. БУ,  
АЙНИҚСА, ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ИНСТИТУТИ  
ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА  
ЯҚКОЛ КЎЗГА ТАШЛАНАДИ.

МАЗКУР МАСАЛАНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ  
ИЖРОСИ, ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИГА МАҲАЛЛИЙ  
ИЖРО ҲОКИМИЯТИНИНГ ЖАВОБИ ҲАМДА  
МУНОСАБАТИ ҚАНДАЙ? ДЕПУТАТЛАР  
ТОМОНИДАН ЮБОРИЛАЁТГАН СЎРОВЛАРНИНГ  
ҚАНЧАСИ ҚАНОАТЛАНТИРМOKДА?  
УМУМАН, МУТАСАДДИЛАРНИНГ  
ДЕПУТАТЛАРГА, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА  
МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА БИЛИШ УЧУН  
ЖИЗЗАХЛИКЛАРГА ЮЗЛАНДИК.



### ОГРИКЛИ МАСАЛА

**Нуриддин Ҳолматов,**  
**Ўзбекистон ХДП**  
**Жиззах вилоят**  
**кенгаши раиси, вилоят**  
**кенгашидаги партия**

**гуруҳи раҳбари:**  
— Депутатлиқ сўрови  
фаoliyatlizmida энг  
оғрикли масала, десам хато  
бўймайди. Чунки аксарият  
масъуллар депутатнинг  
сўровини охирги даражага  
куяди. Биз юбораётган  
сўровлар бошқа қозозлар  
орасида қолиб кетади.  
Ваҳоланки, биз факат ҳалк  
сўраганини, сайловчилар  
истаганин баён қилимади.  
Ҳалк депутатлари шаҳар-  
туман Кенгаши депутатлари  
томонидан юборилаётган  
депутатлик сўровларига  
айрим ҳолларда мансабдор  
шахслар томонидан  
беписандлик билан қараш,  
яъни ўз вақтида жавоб  
бермаслик, муддатни  
кечикириши, сўров  
юборилган мансабдорнинг  
ўзи томонидан эмас, балки  
унинг ўрнига бошқа шахслар  
томонидан муносабат  
билидирик кузатилиди.

Ваҳоланки, амалдаги  
қонунчиликка мувофиқ  
депутат мансабдор  
шахсларга, қоида  
тариқасида, тегиши сайлов  
округи сайловчиларининг  
хуқуқ ва қонуни  
манбафатларини таъминлаш  
билан боғлиқ масалалар  
юзасидан сўров юборишига  
хакли. Ҳар бир депутат  
сўровида инсонлар манфаати  
ётишига қарамай, айрим  
mansabдор шахслар бундай  
сўровларга беписандлик  
билан қарашда давом этияти.

Тўғри, маблаб билан ҳал  
қилинадиган мурожаат кўп.  
Йўл қўрилиши, ичимлик  
суви, газ ёки электр  
энергияси билан таъминлаш  
масалалари вақт ҳамда  
пул талаб этиди. Бироқ  
шундай ҳолатлар бўладики,  
арзимаган масалалар ҳам  
ийиллар давомида номаълум  
сабаблар билан ортга суруб  
келингани. Биргина мисол  
келтираман.

Шароф Рашидов туманида  
50-умумталим мактаби  
бор. Катта йўлнинг юзида  
жойлашган. Муассасада  
500 га яқин бола ўқиди.  
Уларнинг хавфизлигидан  
хавотирга тушган ота-  
оналар мурожаат асосида  
депутатлик сўрови юбордим.  
Вилоят масъуллари тайёрлаб  
кўйилган шаблон матн билан  
жавоб йўлади. Яъни, мактаб  
ёнига светафор ўрнатиш  
белгиланган меъёлларга  
тўғри келмас экан. Шундан  
кейин Автомобил йўллари  
кўмитаси ҳамда ИИВ Йўл  
харакати хавфизлиги  
бош бошқармасига  
мурожаат қилдим. Улар

худудга келиб, синов  
ўтказиши, стандартларни  
текшириши, қанча одам  
бу ерда ҳаракатланшини  
ўрганинг, светафорга эҳтиёж  
борлигини тасдиқладилар.  
Аммо ҳануз натижা йўқ.  
Яқинда вилоят ИИБ  
ЙХХБ рахбарининг хисоботи  
tinglendi. Эштидува шу  
масалани кўтардим. Кенгаш  
раҳбари талабимни овогза  
куяди. Энди натижага бўлиб  
қолар, деган умидда эдим.  
Афсуски, умидим пучга  
чиқадиган кўринади. Чунки  
йўл белгиларининг ёгаси  
йўқ. ЙХХБ "Автойўл" қиласи  
дейди, "Автойўл" бошқа  
ташкилотга рўпарў қиласи.  
Хуллас, сансалорлик билан  
масала ечимсиз қолиб  
кетяпти.

Давлатимиз раҳбарининг  
"Автомобиль йўлларида  
инсон хавфизлигини  
ишенчи таъминлаш  
ва ўлим ҳолатларини  
кечким камайтириш чора-  
тадибirlari тўғрисида" ги  
карори бор. Унга  
кўра, туман (шаҳар)  
хокимликларига ўз  
худудларидаги автомобиль  
йўлларида йўл ҳаракати  
қоидалари бузилишини  
қайд этувчи маҳсус  
автоматлаштирилган  
фото ва видео қайд этиш  
техника воситаларини  
ўрнатиш хуқуки берилади.  
Мазкур техник воситалар  
орқали қайд этилган  
қоидавзарлариклар  
учун ундирилган  
жарима суммасининг  
30 фоизи бевосита  
туман (шаҳар) маҳаллий  
бюджетининг алоҳида  
ғазна хисобварақларига  
ўйналтирилади ҳамда  
ушбу маблағлар йўл  
харакатини рақамлаштириш,  
йўл инфратузилмасини  
ривохлантириша  
сафланиши белгиланган.  
Демак, ҳудудга аҳоли,  
хусусан, болаларнинг  
хавфизлиги учун светафор  
ўрнатишнинг имкони бор.

Шунингдек, сессияларда  
қўрилган масалалар бўйича  
карорлар қабул қилинди,  
протоколлар ёзилади.  
Булар ҳам расмиятилик  
учун ўтказилмоқда. Бундай  
дайимишга сабаб, қарорлар  
ижроси назоратсиз қолиб  
кетади. Депутатлар ҳам  
сессияга нечта масала  
киритганига оид хисобот  
тўлдириш билан чекланади.  
Сессияга масала киритиш  
кийин эмас, унинг ижроси  
муҳим. Депутатлар учун  
ҳам, мутасаддилар учун  
ҳам муаммоларни ҳал  
этишининг энг мақбул йўли  
шу, яъни ихро масъулиятини  
кучайтириш керак.

Қолаверса, депутат  
сўрови ҳамда сессия  
карори ижросини  
котибиятлар назоратга  
олса, фаолиятимизда  
самарадорлик ортади.

### БАЪЗИ МАСАЛАЛАРДА ТОРТИШИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

**Марат ИСОҚОВ,**  
**мехнат фахрийси, ҳалқ**  
**депутатлари Шароф Рашидов**  
**туман Кенгашидаги Ўзбекистон**

**ХДП гуруҳи раҳбари:**

— Ҳозиринга Жиззах  
хокимининг қабулидан чиқдим. Гап  
шундаки, бирор бир камчилликни  
курсан, эътиборсиз ўтиб кетолмайман.  
Бу гап вилоят марказининг Ўзбекистон  
кучасидаги ҳолат юзасидан ҳокимга  
фикримни билдиридим. Ушбу кўчада  
жойлашган 1-умумталим мактабининг  
ёнидаги бекат белгиланган  
стандартларга умуман жавоб бермайди.  
Қонунчиликка кўра, бекат чорраҳадан  
15 метр ичкарида жойлашган ва унинг  
ичида одамлар учун барча шароитлар  
яқилинган бўлиши лозим. Аммо мазкур  
бекат ҳам тор кўчада, ҳам светафорга  
жуда яқин масофада жойлашган.  
Қизиги шундаки, айнан ушбу  
бекатнинг тепасида автомобилларнинг  
харакатларини кузатувчи камера  
ўрнатилинган ва у йўл чизикларини  
босган транспорт ҳайдовчиларини  
жаримага тортади.

Тўғри, қўпол равишида йўл  
қоидаларини бузгаётган, тезликини  
ошибири, светафор чироқларидаги  
ишораларга бўйсунмайдиган,  
атайин йўл чизикларини босадиган,  
бошқаларга ҳалал бериб, авария  
ҳолатларини келтириб чиқарадиган  
ҳайдовчиларга нисбатан  
кўлланиладиган жарималар  
асосли. Аммо мазкур бекат ёнидаги  
ҳолат ҳайдовчилар айбор эмас,  
хайдланувчиция айланиси қолмоқда.  
Чунки бекат светафорга жуда яқин,  
талабларга жавоб бермагани боис,  
эрталаб ва кечга яқин бир вақтнинг  
ўзида бекат ёнида тўхтайди. Йўл  
торлиги ва бекат жуда кичиклиги боис  
автобуслар тўхташи транспортларнинг  
харакатига тўскинлик киласи.

Тирбандлик ҳосил қилмаслик учун  
ҳайдовчилар автобусларнинг ёнидан

тишига мажбур бўлади. Натижада йўл

тишига мажбур бўлади.

Тирбандлик ҳосил қилмаслик учун  
ҳайдовчилар автобусларнинг ёнидан

тишига мажбур бўлади.

Натижада йўл

тишига мажбур бўлади.

Масаланинг иккинчи томони, қонунга

кўра, ЙХХБ ходими ҳайдовчининг

автомобилини газ баллондан

фойдаланиш ҳуқукини тасдиқловчи

хужжати бўлmasa.

Жарима тоғтишига мажбур бўлади.

Мазкур мажбур бўлади.

чиқларини босишига тўғри келмоқда.  
Ваҳоланки, талаб қилишдан олдин  
шароит яратиб кўйиш шарт.

Биламизки, йўллар бўйидаги ерлар  
аукционда сотилади ва миллиардлаб  
маблагъ эвазига тадбиркорлар уларни  
сотиб олади. Ҳозирги вазиятда наҳотки  
масууллар мавжуд ҳолатдан бехабар  
бўлса? Одамлар атрофдаги ноҳақликлар  
учун тегишила ташкилот ёки вилоят-  
шахар ҳокимидан эмас, биринчи галда  
давлатдан норози бўлади.

Локайдик ҳақида гап кетгандан яна  
бир мисолни айтмоқчиман. Яқинда  
бир фуқаро мурожаат қиласи. Унинг  
айтишича, тунги соат 3 ларда шахсий  
автомобилида кетаётган пайтада ЙХХ  
ходими уни тўхтатган. Ҳавфсизлик  
камарини тақмагани сабабли жарима  
ёзган. Кейин эса ҳужжатларини  
текшириб, газ баллондан фойдаланиш  
учун технопортида қайд этилмагани  
учун автотранспорти воситасини жарима  
майдончисига олиб боришини айтган.  
Эвакуатор чакириб, 4-5 километрлик  
масофага 300 минг сўм пул тўлашга  
мажбур қиласи. Ҳайдовчи автомobiliни  
кулфлаб, калитини ўзи билан олиб  
кетгани учун эвакуатор уни жарима  
майдончисига олиб киромаган.  
Эрталаб ҳайдовчи жарима майдончисига  
борганида бунинг учун ундан бир  
миллион сўм жарима тўлаш талаб  
қилинади.

Мурожаатнинг ўрганиш учун жарима  
майдончисига масъулига учрашдим.  
Жарима майдонидан ҳеч қандай  
шароит қилинмаганига гуво бўлдим.  
Ваҳоланки, бу ерда одамларнинг неча  
ўн миллионлаб сарфлаган мулки қуёш  
тиғида ва ёғингарчиликлардан зарар  
қўрмоқда. Ҳолат юзасидан ноконуний  
жарима талаб этилаётганига оид  
фактларни келтирдим. Бир миллион  
жарима бекор қилинди.

Масаланинг иккинчи томони, қонунга  
кўра, ЙХХБ ходими ҳайдовчининг  
автомобилини газ баллондан  
фойдаланиш ҳуқукини тасдиқловчи  
хужжати бўлmasa.

Жарима тоғтишига мажбур бўлади.

Мазкур мажбур бўлади.

умуман ҳеч қандай ҳужжати бўлmasa  
ва яна бошқа жиддий ҳолатда жарима  
майдончисига олиб киришига ҳақи.

Бошқа турдаги қоидабузарликлар учун  
белгиланган жаримага тортилади,  
холос.

Яна бир масала. Шароф Рашидов  
туманида жамоат транспорти хизмати  
қонилари эмас эди. Ўзим истиқомат  
қилидиган маҳалладан шахарга  
қатнайдиган биргина 4-сонли

автобуснинг ичи доим лиқ тўла  
бўларди

**ОЛИЙ ТАЪЛИМГА НАВБАТДАГИ ЎҚУВ ЙИЛИ  
УЧУН ҲУЖХАТ ТОПШИРИШ ФУРСАТИ ТОБОРА  
ЯҚИНЛАШМОҚДА. ШУ КУНЛАРДА МАКТАБНИ  
БИТИРГАН, МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ЙЎЛИГА ЧИҶКАН ЮЗ  
МИНГЛАБ ёШЛАРИМИЗ ТАЛАБАЛИК ОРЗУСИДА йўз  
КЕЛАЖАГИГА УМИД КЎЗИ БИЛАН ҶАРАЯПТИ, БОР  
КУЧ-ҒАЙРАТИ БИЛАН ОЛДИНДА ТУРГАН СИНОВ-  
ИМТИҲОНЛАРГА ТАЙЁРЛАНЯПТИ.**

# АВВАЛ ТЕСТ, СҮНГ ТАНЛОВ бу тамойил қандай ишлайди?



2023 йил 3 июль куни давлатимиз рахбарининг «Мъъмурйи ислоҳотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самараали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Унда 2024/2025 ўқув йилидан OTMга кириш имтиҳонлари «аввал тест, сүнг танлов» тамойилни асосида йўлга кўйилиши белгиланган. Бунда аббитуриентларга тўплаган балларидан келиб чиқиб, таълим муассасаси, таълим йўналиши ва шаклини ташлаш имконияти яратилиди. Шунингдек, академик лицейларга ўқувчиларни қабул килишда ёзма имтиҳон асосида дастлабкаги саралаш босқичи бекор қилинади, коллеж ва техникумларнинг таълим дастурларига давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари 2 бараварга оширилади.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚВОТАСИ

Президентнинг шу йил 25 майдаги «Олий таълим ташкилотларига ўқишига қабул килиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жорий ўқув йили қабулидан бошлаб давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасаларни кесимида тақсимлаш амалиёти бекор қилинди. Таъқидлаш жоизки, бундан олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мустасониди. Давлат буюртмаси таълим ташкилотига қабул қилинган талабалар учун ажратилиди.

Давлат олий таълим муассасалари учун ўрганинг тартиб ва шартлар бўйича талабалар қабулини амалга оширувчи олий таълим ташкилотларига давлат буюртмасининг тақсимотида иштирок этишига рухсат этилади. Бунда тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича бир талаба учун ажратиладиган маблаг молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдоридан ошмаган ҳажмда молиялаштирилди.

Давлат гранти квоталарининг олий таълим ташкилотлари кесимида тақсимоти

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича рўйхатдан ўтган аббитуриентларнинг танлови ва тўплаган балларига кўра амалга оширилади.

## ТАЪЛИМ ГРАНТИ КИМЛАРГА АЖРАТИЛАДИ?

Айтиш жоизки, ижтимоий-рағбатлантирувчи грант қонунчиликда белгиланган имтиёз бўйича давлат гранти асосида ва мақсадли қабул доирасида талабаликка қабул қилинган талабаларга, шунингдек, тармок, ва соҳаларнинг, давлат органлари ва ташкилотларининг грантлари соҳиблари учун ажратилиди.

Таълим гранти давлат буюртмаси параметрлари доирасида олий таълим ташкилотига қабул қилинган талабалар учун ажратилиди.

Янги ўқув йилидан бакалавриат ва магистратурага қабул қилинган талабаларга таълим гранти бир ўқув йили учун ажратилиди. Бунда:

— биринчи курсда таълим грантига кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган талабалар лойиқ кўрилади;


— иккинчи ва ундан кейинги курсларда эса таълим гранти юқори академик рейтинг кўрсаткичларига эришган ва ижтимоий фаол талабалар орасида ОТТ томонидан табақалаштирилган тартибида кайта тақсимланади;

— таълим гранти табақалаштирилган тартибида молиялаштирилади ва стипендия фақат тўлиқ таълим грантини ютган талабаларга тўланади;

— ижтимоий-рағбатлантирувчи грант соҳиби бўйланган талабаларга давлат гранти уларнинг ўқиши даври учун тўлиқ ҳажмда тақдим этилади;

— таълим гранти асосида таҳсил олган талабаларнинг ўқишини тамомлаштирилди сўнг камидан 3 йил ишлаб бериш мажбурияти бекор қилинади.

Давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилишнинг минимал ўтиш баллар тегишли бакалавриат таълим йўналишининг олдинги ўқув йилидаги ўртача ўтиш



балларини ҳисобга олган ҳолда давлат комиссияси томонидан белгиланади. Ҳудудлар, соҳалар ва тармоқларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун давлат буюртмаси параметрлари доирасида мақсадли қабул квоталари ажратилиди.

## ТАНЛОВ - АБИТУРИЕНТ ИХТИЁРИДА

Шундай қилиб, янги ўқув йилидан давлат олий ва профессионал таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича имтиҳонлар «аввал тест, сүнг танлов» тамоилига мувофиқ бир вақтда ўтказилиди. Бунда аббитуриентлар ўз танловига кўра тест синови натижасида тўплаган балларидан келиб чиқиб, дастлаб олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишларига, сўнг профессионал таълим муассасаларига ўқишига кириш учун танловда иштирок этади.

Давлат олий таълим муассасалари бакалавриатга қабул жараёни икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда аббитуриентлар ҳар йили 5 мюндян 25 июняга қадар (25 июнь куни ҳам) тест синови топшириш учун рўйхатдан ўтади ҳамда тест синови топширилдиган фанлар мажмуси, таълим тили ва тест топшириш худудини ҳамда кириш имтиҳонлари таркибида касбий (ижодий) имтиҳон бўлса, ушбу имтиҳонни топширадиган давлат олий таълим муассасаси ташкилотига қабул қилинади.

Бунда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ягона касбий (ижодий) имтиҳонлар дастурлари ва баҳолаш мезонлари тегишли вазирликлар (идоралар) томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Ўқишига қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонлари июль-август ойларидан ўтказилиди.

Иккинчи босқичда аббитуриентлар тест синовлари тўлиқ якунланганидан сўнг 15 кун давомида олий таълим муассасаси, бакалаврият таълим йўналиши ва таълим шаклини ташкилотига қабул қилинади.

Барча давлат коллеж ва техникумларига «аввал тест, сүнг танлов» тамоилига мувофиқ қабул қилишда аббитуриентлар коллеж ва (ёки) техникумни, касб ва мутахассисликни ҳамда таълим шаклини олий таълим муассасаларига қабулнинг якуний натижаси эълон қилинганидан сўнг 10 кун муддатда ташкилотиди.

## МАГИСТРАТУРА УЧУН ЧЕТ ТИЛИ ДАРАЖАСИ ТАЛАБИ ПАСАЙТИРИЛДИ

Шу пайтга қадар амалда бўлиб келган тартибида ўқишига қабул қилишнинг минимал ўтиш баллар тегишли бакалавриат таълим йўналишининг олдинги ўқув йилидаги ўртача ҳажмда мажбурияти бекор қилинади.

Янги тартиб бўйича, магистратура мутахассисликлари ва олий таълимнадан кейинги тегишли босқичига давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинган талабага иккинчи марта таълимнинг ушбу босқичи учун давлат ажратилимайди.

Олий таълим муассасалари, олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари ҳамда ҳарбий-академик лицейларга ўқишига киришади имтиёзга эга бўлган аббитуриентларнинг ягона базаси ҳар йили 1 июняга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг маҳсус ахборот тизимига киритиш орқали шакллантириб борилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири

Лазиза ШЕРОВА тайёрлари.

## ТАЪЛИМ КРЕДИТИ ФАҚАТ КУНДУЗГИ ТАЪЛИМДАГИЛАР УЧУН

**Жорий йилнинг 27 май куни «Олий ва профессионал таълим ташкилотлари талабалари ва ўқувчиларига бюджет маблағлари ҳисобидан таълим кредитини ажратиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.**



Фармонга кўра, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан таълим кредитлари факатгина олий ва профессионал таълим ташкилотларининг кундузги таълим шаклида ўқиётган талаба ва ўқувчиларига ажратилиди.

Унга кўра, таълим кредити миқдорига ҳам ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан, кейинги ўқув йилидан таълим кредити ОТМларнинг биринчи босқич талабалари ва ПТТ ўқувчилари учун – тўлов-контракт суммаси миқдорида, иккинчи ва ундан юқори курс талабалари учун – фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи «3» дан паст бўлган тақдирда – умумий сумманинг кўпли билан 80 физи миқдорида ажратилиди.

Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган оиласалар фарзандлари бундан мустасно.

Бунда таълим кредити ОТМ талабалари учун – талабалар тўғрисидаги маълумотлар

«Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритиш» ([kontrakt.edu.uz](#)) ахборот тизими ва «Олий таълим жараёнларни бошқариш» ([HEMIS](#)) ахборот тизимида мавжуд бўлганда берилади.

Профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилар учун эса – ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар «Профессионал таълим жараёнларни бошқариш» ([prof.edu.uz](#)) ахборот тизимида мавжуд бўлганда ажратилиди.

2024/2025 ўқув йили бошлангунгача таълим кредити олиши учун аризалари «Таълим кредити» ахборот тизими ([talim-krediti.mf.uz](#)) ва ЯИДХП ([my.gov.uz](#)) орқали топшириш имконияти яратилади.

Ўз дастурлий таъминотига эга бўлган олий ва профессионал таълим ташкилотлари таълим кредитини олиши учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли ахборот тизимида интеграция килиши ёки улардан фойдаланиши мажбурий ҳисобланади.

Ўз мухбириз.

**МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ:**

# КАНДАЙ ЯНИЛИКЛАР БОРЭ?



ХОЗИР ДУНЁДАГИ ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИГРАЦИЯ МАСАЛАСИ ТОБОРА ДОЛЗАРБЛИК КАСБ ЭТМОҚДА. ХАТТОКИ, ҚОНУНИЙ МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИГА АЙЛАНИБ ҲАМ УЛГУРДИ.

БУТНИНГ ҲАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, БУГУНГИ КУНДА ҲАЛҚАРО МИГРАНТЛАР СОНИ 292 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД БҮЛИБ, УЛАРНИНГ 90 ФОИЗДАН ОРТИФИ МЕХНАТ МУҲОЖИРЛАРИ САНАЛАДИ. МУТАХАССИСЛАРНИНГ АЙТИШИЧА, МИГРАЦИЯ МУАЙЯН ВАҚТДА КУЧАЙИБ-ПАСАЙИШ ТЕНДЕНЦИЯСИГА ЭГА ВА МАЪЛУМ ҲУДУД, МАМЛАКАТ, МИНТАҚА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИГА ҲАМ ИЖОБИЙ, ҲАМ САЛЬБИЙ, КЕРАК БҮЛСА, СИЁСИЙ ТАСЬИРИНИ ЎТКАЗАДИ. ШУ БОЙСДАН МИГРАЦИЯНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ, УНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОХИДА ЭТТИБОР ҖАРАТИШ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТДИР.

## МИЛЛИОНЛАБ ИНСОНЛАР ҲАЁТИГА ДАХЛДОР

